



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ
КАМОЛОТ ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ



**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ
МУАММОЛАРИ”**

*мавзусидаги анъанавий XV- ёш
олимлар, магистрантлар ва
иқтидорли талабаларнинг
илмий-амалий анжуман*



*XV – traditional Republic scientific –
practical conference of young
scientists, master students and talented
students under the topic*

**“THE MODERN PROBLEMS OF
AGRICULTURE AND WATER
RECOURCES”**

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент – 2016 йил 15 – 16 апрель

163.	Турдибоева М.У. – ТИМИ ўқитувчиси, Жумабаева З. – ТИМИ талабаси	XXI асрнинг энг кескин ва инсониятни ташвишга солиб турган муаммоларидан бири экологик муаммо эканлиги	419
164.	Жўраева Г.А. – ЎзМУ магистрант	Таълим соҳасида “бинар-маъруза” дарсини такомиллаштиришнинг аҳамияти	422
165.	Жўраева Г.А. – ЎзМУ магистрант, Ярова С.Б. – ТИМИ кичик илмий ходим	Мустаҳкам оила - обод турмуш гарови	425
166.	Байбаева М.Х. – ТИМИ доценти п.ф.н., Д.Байкуватова – ТИМИ талабаси	Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда касб-хунар таълими тизимида малакали кадрларни тайёрлаш	427
167.	Бекнозарова З. – ТИМИ катта ўқитувчиси, Буриев С. – ТИМИ талабаси	Олий таълимда “физика” фани бўйича лаборатория машғулотларида инновацион таълим методларини қўллаш	430
168.	Муқумова Д.И. – ТИМИ катта ўқитувчиси	Ёшлар миллий ўзлигини англашининг сиёсий-психологик хусусиятлари	433
169.	Муқумова Д.И. – ТИМИ катта ўқитувчиси, Жўраева Г.А. – ЎзМУ магистранти	Болангиз ривожланиши (10-11 ёш: ўтиш даври)	435
170.	Муртазаева Г. – ТИМИ магистранти	Техника йўналишидаги фанларни ўқитишда педагогик технологияларнинг аҳамияти	437
171.	Усмонов Т.У. – ТИМИ катта ўқитувчиси, Жуманов А.А. – ТИМИ кабинет мудири	Машинасозлик фанларидан дарс ўтиш учун кўргазмалар воситалар ишлаб чиқиш	439
172.	Холматов О. – ТИМИ талабаси	Бола тарбиясида ота-онанинг ўрни	442
173.	Шарипова Д. Б. – Самарқанд вил. Пахтачи тум. 8-мактаб ўқитувчиси	Олий таълимда физикафанини ўқитишда интерактив методдан лаборатория машғулотида фойдаланиш	443
174.	Рахимов Т.З. – ҚарМИИ, Бердиев Ф.Д., Эгамбердиев А.А. – ТИМИ магистрантлари	Талабалар фаоллигини шакллантириш мақсадида педагогик технологияларни лойиҳалаштириш	446
175.	Azizova M.A. – senior teacher ТИИМ, Abdivaitov X.A. – master of ТИИМ	Teaching english issues in esp classes	450
176.	Шарипова Д. Б.- Самарқанд вилояти Пахтачи тумани 8-мактаб ўқитувчиси.	Физикани ўқитишда ахборот технологиялардан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти	452
177.	Турсунова З.Э. – ТИМИ талабаси	Бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик ўйинли машғулотлартаълим-тарбия жараёнини фаоллаштириш омили сифатида	453
178.	Худойкулов Х.Ж. – ТИМИ профессори, Эргашев Ф. – ТИМИ талабаси	Коллеж ўқитувчиларида экологик онгини шакллантириш босқичлари	455
179.	Шарипова Д. Б.- Самарқанд вилояти Пахтачи тумани 8-мактаб ўқитувчиси	Физика фанидан экологияга оид масалалар ечишда фанлараро боғланиш	458
180.	Байбаева М.Х. – ТИМИ доценти, Маркаева Д. – ТИМИ талабаси	Мамлакатни модернизация қилиш шароитида касбий таълимда инновацион	459

МУСТАҲҚАМ ОИЛА - ОБОД ТУРМУШ ГАРОВИ

Жўраева Г.А. - ЎЗМУ магистрант, Ярова С.Б. – ТИМИ кичик илмий ходими

Аннотация

Ушбу мақола юртимизда ёшлар ҳаётида олиб борилаётган кўплаб ишларнинг оила мустаҳкамлигини таъминлаш борасидаги ишлар юзасидан мустақил юрт келажакни ёшлар онгига сингдириш ҳамда тарбиялаш масалаларига қаратилган.

Асосий мақсад: Мавзу юзасидан оиладан ташқаридаги муҳит иштирокида обод турмушни ёшлар ҳаётидаги асосий ўрин сифатида шакллантириш борасидаги таклифларни қўллаш.

Юртимиз камолига камол қўшилиб борар экан, йиллар ўтгани сайин обод турмуш, баркамол авлод ҳамда юксак келажак тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб келмоқда, биз дунё миқёсида ривожланган давлатлар сирасига кирар эканмиз, бугун кун билан эртанги кун учун замин ясаймиз. Бу борада юртимизда ёшлар ҳаётида олиб борилаётган кўплаб ишларнинг амалда гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Яъни, мамлакатимизда 1998 йилнинг “Оила йили” деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан “Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга оширилган чора-тадбирлар Давлат Дастури” нинг қабул қилиниши ва амалиётга тадбиқ этилиши, Олий Мажлиснинг XI сессиясида кенг умумхалқ муҳокамасидан сўнг “Оила Кодекси” нинг бир овоздан қабул қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги 54-сонли Қарорига биноан Республика “Оила” илмий-амалий Марказининг ташкил этилганлиги ҳукуматимиз томонидан оила фаровонлиги, тинчлик-тотувлиги ва барқарорлигини таъминлашга бўлган эътиборидан далолатдир.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан 2012 йил “Мустаҳкам оила йили” ҳамда 2013 йил “Обод турмуш ” йили деб эълон қилиниши ҳам бежизга эмас. Табир жоизки, оила инсонни ҳалол ва покиза бўлишига, илм-фан асосларини эгаллашга, бева-бечораларни қўллаб-қувватлашга, табиатни эъзозлашга, маънавий, ахлоқий кадрларга алоҳида эътибор беришга даъват этади.

Оила тарбиясининг моҳияти шундан иборатки, “жамият” ва “оила” тушунчаси бир-бири билан чамбарчас боғланиб келади. Биламизки, оила бола учун энг асосий тарбия маскани ҳисобланиб, бу муҳитда шахс камолоти учун муҳим ҳисобланган хулқ-атвор, ирода, характер ва дунёқараш шаклланади.

Бу тўғрисида оилани ижтимоий психологик тузилиши жихатидан бир қатор турларга ажратиш кўрсатиш мумкин.

- **Дезинтеграция оила**– оилада яққаланиб қолади, ўзаро муносабатлар меҳрсиз бўлиб, алоқалар расмий равишда бўлади.

- **Суперинтеграция оила**–ўзаро оилавий муносабатлар жуда кучли бўлади.

- **Ноиттифоқ оила**– бундай оилада тизимлилик, муносабатларда мажбурийлик кузатилади.

- **Ўзига етарли, мустаҳкам, ёпиқ оила(сир бой бермайдиган, тўқ типдаги оила)** - бу оилада соғлом муҳит ҳукм суради.

- **Эскилик тарафдори бўлган оила**– бу оиланинг асосий хусусияти ҳаётдаги ўзгаришларга, янгиликларга кўника олмаслик, қабул қила олмаслигидир [2].

Кўриб турганингиздек, бири салбий муҳитда бўлса, бириси ижобий тарзда оилалар ўз аксини топган. Шунинг учун фарзанд қай муҳитда тарбия топишидан қатъий назар, шахсий маънавий сифатларга эга бўлиши, бунда уларда маънавий билимларни эгаллашга нисбатан эҳтиёж ва қизиқишнинг пайдо бўлишида оила тарбияси асосий ролни бажариши

лозим. Оилада қарор топган соғлом маънавий-руҳий муҳит фарзандларнинг етук, баркамол бўлиб вояга етишларида катта аҳамиятга эга бўлади.

Биз юқорида таъкидлаган, мустаҳкам оила замирида фақатгина шахснинг хулқ-атворини тарбиялаш билан чекланиб қолмасдан, балки жамият учун ҳам мустаҳкам пойдевор етиштиришимиз лозим. Ёшларни жамиятда ўз ўрнини, ҳаётий яшаш шароитини ва энг асосийси “*менга Ватан нима берди эмас, балки мен Ватанимга нима қилдим?*” шиори остида камол топишига ундашимиз шарт!

Бўлажак педагог сифатида биз ёшлар онгида шахсий, илмий дунё қараш ва тафаккурни шакллантириш, ақлий, маънавий–ахлоқий, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий таълим ва тарбияни, эстетик, жисмоний, жинсий, оила ва энг муҳими фуқаролик тарбиясини доимо узлуксиз равишда тарбиялашимиз лозим [1].

Фуқаролик тарбиясига тўхталадиган бўлсак, *фуқаролик*нинг моҳиятини англаш, ўқувчиларда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларда халқ, Ватан, жамият манфаатлари учун курашувчи фуқароларни тарбиялашга қаратилган педагогик жараён ҳисобланади. У қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- Ёш авлодни жамиятда устивор бўлган ахлоқий меъёрларга риоя этишга ўргатиш;
- Ўқувчиларга фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида маълумотлар бериш, уларда фуқаролик фаолияти кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш;
- Ўқувчиларда давлат рамзларига нисбатан ҳурмат ва муҳаббатни қарор топтириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти шаъни, ор номусини ҳимоя қилишга тайёргарлик ҳиссини шакллантириш;
- Уларда халқ ўтмиши, миллий қадриятларга нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотиш, улардан ғурурланиш, фахрларниш ва ифтихор хисларини ошириш;
- Ватан, халқ ва миллат ишига содиқлик, ўз манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштира олишига эришиш, фидойий фуқароларни тарбиялаб вояга етказиш. Ватан, юрт озодлиги, мустақиллигини эъзозловчи, уни ҳимоя қилишга тайёр фуқарони тарбиялаш кабилар киради [1].

Демак, оилада фақат бир томонлама тарбия билан чегараланиб қолмасдан, уни атрофлича ва чуқурроқ тарзда амалга ошириш лозим экан.

Биз олдин ҳам таъкидлаганмиз, оила бу жамиятнинг, давлатнинг энг кичик ячейкаси ҳисобланади. Мисол сифатида: кураётган уймизда биз яшасак ҳам яшамасак ҳам унинг асл таянчи, пойдеворини мустаҳкам, ҳар қандай ташқи таъсирга чидамли бўлишини таъминлашимиз даркор. Бунинг ўзи ҳам бир педагогик жараёндир, яъний оила тарбияси ота-оналар ёки масъул шахслар томонидан ташкил этилар экан, болаларни ҳар томонлама етук, соғлом этиб тарбиялашга йўналтиришдан иборатдир.

Хулоса қилиб, қуйидаги фикрларни келтирсак. Аввало, оилада соғлом муҳитни таъминлаш, соғлом фикрни кучайтириш, оилага нисбатан эътиборни кучайтириш лозим.

Юқорида таъкидлаганимиз, таълим муассасалари, маҳаллалар ҳамда иш жойларда узлуксиз равишда маънавий-маърифий йиғинлар, суҳбатлар ва таниқли шахслар иштирокида турли кечаларни ташкил этиш лозим. Бу келажак авлодни тарбияловчи масъул шахсларга нисбатан даъват вазифасини бажаради ва биз учун керак бўлган натижани олишга бўлган имконият даражасини оширади. Доимо эътибор ёшларга бўлгани сабаб, айни вақтда, уларни тарбияловчи шахсларнинг маънавий қарашлари нечоғлик юқорилигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Шундагина, биз ертаси буюк, келажаги юксак, обод турмушли халқ бўлиб етишамиз!

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муслимов Н.А., Усмонбоев М.Х., Шарипов Ш.С. Педагогика назарияси. - Тошкент., 2011.- 95 бет.
2. Руқиева Х. Суд-психологик экспертизаси (тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашр).-Тошкент., 2012.-136 бет.